

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
27 март,
жума,
№ 12
(1098)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ЎЗARO ҲУРМАТ РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Тожикистон Республикаси Президентини Эмомали Раҳмон 26 март кунини давлат таширифи билан мамлакатимизга келди.

Тожикистон етакчисини “Тошкент-Ҳумо” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари нафақат қўшни, балки асрлар давомида қондошу қардош бўлиб, бир булоқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ягона осмон остида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келган, биргаликда елкама-елка туриб, қийинчиликларни енгиб ўтган. Ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустақам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туйғайиб сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустақамланди.

Олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига ташириф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Илм-маърифати, муносиб амаллари билан миллатлараро муносабатларни юксак даражада қадрлаган аждодларимиз мероси ҳамisha дунё ҳамжамияти эътиборида.

“Янги Ўзбекистон” боғининг Мустақиллик монументида акс этган улуглар тисмоли бугун барчамизга ифтихор бағишлайди. Мамлакатимиз ўтмиши ва келажигини акс эттиради.

Тожикистон Республикаси Президентини Эмомали Раҳмон Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўя экан, Ватан оздиги, эл фаровонлигининг ёрқин ифодаси сифатида мағрур қад ростлаган мажмуа қошида рамзий бош эгди.

Дунё тамаддунига ҳамжиҳатлик билан ҳисса қўишни тараннум этган боболаримиз маърифатини эътироф этиб, эҳтиром кўрсатди.

Кўксарой қароргоҳида мамлакатимизга давлат таширифи билан келган

Тожикистон Республикаси Президентини Эмомали Раҳмонни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, шохсупага тақлиф этди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди. Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Тожикистон мадҳиялари янгради.

Этакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президентини Эмомали Раҳмон тор доирада музокара ва Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилишини ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентининг ушбу давлат таширифи тарихий аҳамиятга эга бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат ришталарини мустақамлашда яна бир муҳим қадам эканини алоҳида таъкидлади.

— Биз Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилишини бошлаб бермоқдамиз. Ушбу формат, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради, Ўзбекистон — Тожикистон стратегия шериклиги ва иттифоқчилик муносабатларини амалий мазмун ва илғор ташаббуслар билан бойитишга хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳукуматлар, парламентлар ва идоралар даражасидаги фаол ва яқин алоқалар мамнуният билан қайд этилди.

Таширифта тайёргарлик доирасида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, саноат кўргазмаси ва ҳудудлар, ректорлар, олимлар, ёшлар ва таҳлил марказларининг форумлари муваффақиятли ташкил қилинди. Аини пайтда мамлакатимизда Тожикистон маданияти ва кинеси кунлари ўтказилмоқда.

Йиғилишда томонлар ҳамкорлигининг янги йўналишларини батафсил муҳокама қилиб, ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш йўллари таҳлил қилдилар ҳамда ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлигини мустақамлашга

катта суръат бағишлайдиган бир қатор муҳим қарорларни қабул қилдилар.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини рағбатлантириш, транспорт соҳасида ўзаро боғлиқликни мустақамлаш, сув ва энергетика хавфсизлигини кучайтириш чораларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми, энг аввало, тайёр маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш ҳисобига қарийб 1 миллиард долларга етди.

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, электротехника, фармацевтика ва бошқа кўплаб соҳаларда қатор кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиарейслар, автобус ва поезд қатновлари йўлга қўйилган. Юк ташиш ҳажми жадал ўсиб бормоқда.

2028 йилга келиб, ўзаро савдони 2 миллиард долларга етказиш имкониятлари кўриб чиқилди.

“Ойбек — Фотиҳобод” чегараолди савдо зонасини барпо этишни тезлаштириш, маҳсулотларни сертифицикатлаш ва “E-Permit” рухсатномаларни алмашиш рақамли тизимларини йўлга қўйиш, чегара назорат пунктларини модернизация қилиш бўйича эришилган келишувлар бу маррага етишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, тоғ-кон, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, энгил саноат, қурилиш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган алоҳида Саноат кооперацияси дастури қабул қилинмоқда.

Истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма Инвестиция компаниясининг капиталини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Энергетика, сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва бошқа кўплаб соҳалардаги шериклик атрофлича кўриб чиқилиб, ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинди.

Этакчилар ҳудудлараро алоқаларни янада ривожлантириш, гуманитар, таълим ва илмий алмашинувларни рағбатлантиришга келишиб олдилар.

Ириқ диаспоралар мавжудлигини ҳисобга олиб, маданий ва гуманитар алоқаларни мустақамлаш бўйича

беш йиллик чора-тадбирлар режасини қабул қилиш тақлиф қилинди.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Марказий Осиёда кўп томонлама тузилмалар ва минтақавий форматлар доирасида яқин мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича келишувга эришилди.

Йиғилишда Ҳукуматлараро комиссия ҳамраислари — икки мамлакат Бош вазирларининг ҳамкорлигининг асосий йўналишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Яқунда эришилган келишувларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун кенг қамровли “йўл харитаси” қабул қилиниши белгиланди.

Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президентини Эмомали Раҳмон йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Давлат раҳбарлари 10 та қўшма лойиҳани бошлаб бердилар.

Улар доирасида Тожикистонда мебель ва чарм маҳсулотлари корхоналарини ташкил этиш, маиший техника ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тўқимачилик қувватларини барпо қилиш, Тошкентда турар жой мажмуаси ва савдо объектларини қуриш ҳамда Фарғона вилоятида консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Андижон вилоятида сут маҳсулотлари, Сурхондарё вилоятида эса мева шарбатлари ва металл брикетлар ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Шунингдек, Янги Тошкентдаги кўчалардан бирига Душанбе шаҳри номини беришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.


Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари тақдимот қилинган лойиҳаларнинг амалга оширилиши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга кучли суръат бағишлаганига ишонч билдирдилар.

(Давоми 2-бетда) ►

Бугунги кунда жаҳонда суд тизими ортиқча юклама, ишларни кўриш мuddатларининг чўзилиб кетиши ва қарорларни ижро этиш муаммоларига дуч келаётгани ҳақидаги илмий тадқиқотлар кенг ёритилмоқда. Бундай вазиятда низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари, аиниқса, медиация институтини замонавий ҳуқуқий тизимнинг муҳим элементи сифатида шаклланаётгани жуда муҳим.

Ҳуқуқий маърифат

Медиация институтини:



суд тизимидаги юкламани камайтириш ва ҳуқуқий маданиятни оширишдаги ўрни ҳамда аҳамияти

Медиация – низолашувчи тарафларнинг холис воситачи (медиатор) иштирокида ўзаро мақбул келишувга эришиш орқали низоли ҳал этиш жараёнидир. Суд жараёнидан фарқли равишда у иштирокида, махфийлик, процессуал соддалик, тарафлар муносабатини сақлаб қолиш тамойилларига асосланади. (Давоми 2-бетда) ►

Қонун қўмағи

ТАДБИРКОРГА ҚАРШИ ДАЪВО

суд томонидан рад этилди

Мамлакатимизда хусусий тиббиёт жадал ривожланиб бормоқда. Сўнгги саккиз йилда хусусий клиника ва лабораториялар сони 3 қарра кўпайиб, 9 мингга, улардаги шифо ўринлари эса, 57 мингга етди. Бу ҳам бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан соҳа тараққиётига қаратилётган юксак эътибор самарасидир.

Пойтахтимизда яшовчи тадбиркор М.Жафаров ҳам яратилган ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда бундан 5 йил муқаддам “MEDICAL CENTER CHINOR” масъулияти чекланган жамияти-ни ташкил қилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсата бошлади. Бунинг учун 2021 йил 22 апрелда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан унга 29803167-рақамли лицензия тақдим этилди. (Давоми 3-бетда) ►

Мамлакатимизда жамият тараққиётига жиддий хавф солаётган, адолат мезонини оғдираётган ва инсон виждонини синовдан ўтказётган иллат — коррупцияга қарши кескин кураш олиб борилмоқда.

Сабоқ

Коррупцияга қарши курашиш: халқаро стандартлар, суд амалиёти ва миллий тажриба

Президентимиз бу иллатни “давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид” деб баҳолаб, 2026 йил коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни мустақамлаш мақсадида, мамлакатда коррупцияга қарши “фавқуллодда ҳолат” эълон қилиш ҳақида мурожаат қилганлиги бежиз эмас.

Чунки коррупция — бу фақат пора олиш ё бериш эмас, балки омонатга хиёнат, ўзаро ишончга зарба ва адолат тарозисининг қасддан оғдирилиши ҳамдир.

Аслида, ҳар қандай жиноят, аввало, нопок кўнгилда пайдо бўлади, яъни «қасд» пайдо бўлади. Демак, коррупция — фақат қонунбузарлик эмас, балки зудлик билан ислоҳ қилинишга муҳтож маънавий таназзулдир. (Давоми 2-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

«Ўзбекистон – 2030» стратегияси эркин, фаровон, қудратли янги Ўзбекистон йўл харитаси

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий салоҳияти, бугунги ислохотлар самаралари, тадбиркорларнинг фаоллиги, хорижий шериклар билан ҳамкорлик ўсиб бораётгани ҳисобига “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мўлжалланган бир қатор марраларга мuddатидан аввал эришилгани ва бир қатор марраларга жорий йилнинг ўзида белалол эришиш мумкинлиги ҳисобга олинди, ушбу Стратегия яқинда қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Бу, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрда Парламентга ва халқимизга тақдим этган Мурожаатноманинг



ёрқин амалий натижаларидан биридир.

Бу борада, давтавал, жорий йил 16 февралда Президентимизнинг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Фармонда қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш бўйича 2030 йилга қадар бажариладиган бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. (Давоми 3-бетда) ►



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Амаким ўзи яхшигина деҳқон эди. У ерда ерэнгоқ, қовун, тарвуз, жўхори экиб, икки-уч йил ичида анча ўзини эплаб олибди. Ўттиз тўққизинчи йили уни юртига қайтишига рухсат беришибди. Қизим, Музроб аканг — шу Ҳакимбек амакимнинг ўғли. Биз у билан тенгдош-

миз. Икки ёшгина мендан катта бўлса керак. Она юртларига қайтиб келиб, амаким турли жойларда энг оддий ишларда ишлаганлар, аравакашлик, қоровуллик қилганлар. У киши дунёдаги сиёсий аҳвол, давлат арбобларининг қилаётган ишлари ҳақида гапиришни яхши кўрадидилар. (Давоми 4-бетда) ►

■ Сабоқ

Коррупцияга қарши курашиш:

Халқаро стандартлар, суд амалиёти ва миллий тажриба

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунинг учун ҳам, бугунги глобаллашув шароитида коррупция фақат миллий муаммо эмас, балки халқаро хавф сифатида эътироф этилмоқда. Чунинчи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши Конвенция коррупцияга қарши курашда ягона универсал ҳуқуқий механизм сифатида хизмат қилмоқда. Ушбу Конвенция давлатлар олдига: коррупциянинг олдини олиш, жазо муқаррарлигини таъминлаш, халқаро ҳамкорлик ва активларни қайтариш сингари долзарб устувор вазифаларни қўяди. Негаки, коррупциянинг таркибий таҳлили пора олиш ва бериш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, давлат активларини ўзлаштириш ва қонунни айланмоқ ўтиш каби шаклларда намоён бўлади.

Шу маънода суд амалиёти таҳлилига назар ташласак, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича туман судлари томонидан 2025 йил давомида коррупциявий жиноятлар билан боғлиқ 462 нафар шахсга нисбатан 264 та жиноят иши қўриб, тамомланган, 453 нафар шахсга 256 та айблов ҳукми чиқарилган, 3 нафар шахс оқлаб, реабилитация қилинган, 6 нафар шахсга нисбатан ишлар тугатилган. Албатта, бу рақамлар судларнинг айблов ва оқлов ўртасида ҳалиси мувозанат сақлаётганини кўрсатади. Шу билан бирга жазо тайинлашда ҳам мутаносиблик ва индивидуал ёндашув таъминланган: судланганларнинг 19,6 фоизи — жарима, 12,6 фоизи — ахлоқ тузатиш ишлари, 22,1 фоизи — озодликдан чеклаш, 33,3 фоизи озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилган бўлса, 8 фоизга шартли жазо тайинланган. Шунингдек, 188 нафар судланувчи қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан ҳам маҳрум этилган. Бу амалиёт халқаро стандартларга, хусусан, давлат хизматининг шаффофлиги ва жавобгарликни оширишга қаратилган халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) тавсия этган жазонинг муқаррарлиги ва самарадорлиги принципларига мос келади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Қ.Қосимов (исм-шарифлар ўзгартirilган) Тошкент халқаро аэропортида масъул лавозимида фаолият юритган. Аммо у мансабдор шахс сифатида ўз хизмат мавқеидан ғаразли ниятда фойдаланган ҳолда чет эл ва юртимиз фуқароларига чиқиш визаларини расмийлаштириб бериш эвазига турли миқдордаги

пуллари пора сифатида талаб қилиб келган.

Масалан, Ҳиндистон фуқароси М.А.дан ўзининг хизмат хонасида 1.000.000 сўм олиб, унга "Exit" визасини расмийлаштириб берган. Умуман айтганда, А.Қосимов 31 та ҳолатда фуқаролардан пора олган. Қўза кунда эмас, кунда синади, деганларидек, 2025 йил 19 июль куну у фуқаро А.С.дан 200 АҚШ долларини пора сифатида олаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди ҳукми билан А.Қосимовга 2 йил муддатга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, солиқ тизимида фаолият юритган С.Толибов ва У.Хурсановлар ўзаро жиноий тил бириктириб, порахўрлик жиноятини содир этишган. Яъни улар ўз хизмат мавқеидан қасддан фойдаланиб, Яққасарой туманида жойлашган умумий овқатланиш шохобчасини

ўрганиб, унинг иш юритувчисига солиқ текширувларини ўтказмаслик ва шохба фаолиятига раҳнамолик қилиш эвазига 600 АҚШ доллари талаб қилишган. Аммо улар бу маблағни пора сифатида олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Суд томонидан ҳар иккала судланувчи Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "г" банди билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга солиқ соҳасида раҳбарлик, моддий ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шуну айтиш кераки, коррупцияга қарши кураш — бу фақат жазо чораси эмас, балки ҳуқуқий маданият, шаффоф бошқарув ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш жараёни ҳамдир. Шу боисдан ўтган 2025 йил натижалари суд амалиётида жазонинг муқаррарлиги, зарарни қоплаш механизмининг самарадорлиги, профилактиканинг кучайтирилгани каби ижобий тенденцияларни намоён этганини эътироф этиш жоиз. Зеро, адолат устувор бўлган жамиятда ишонч шаклланади. Ишонч бор ҳолда эса, барака ва фаровонлик қарор топади.

Фарҳод ҒАНИЕВ,
Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси

ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ЎЗARO ҲУРМАТ RIШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон – Тожикистон Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтириш тўғрисида қўшма баённони имзоладилар.

Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирликлар ва идоралар даражасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар тўплами, жумладан:

– Товар айирбошлашни ошириш дастури;

– Саноат кооперацияси дастури;

– Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаштириш электрон тизимларини ўзаро қўллаш тўғрисида битим;

– Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Чеграолди ҳудудларда радиочастоталарни ўзлаштиришни мувофиқлаштириш тўғрисида битим;

– "Ўзбекистон – Тожикистон инвестиция компанияси"ни ташкил этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартiriшлар киритиш тўғрисида баённома;

– "E-Permit" ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битим;

– 2026-2028 йилларда саноат ва инновациялар соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режаси;

– 2026-2028 йилларда тоғ-кон саноати ва янги технологиялар соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режаси;

– 2026-2027 йилларда маданият соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси;

– 2026-2028 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл харитаси";

– 2026-2028 йилларда агросаноат мажмуида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича "йўл харитаси";

– инновация, давлат хизмати, молия, таълим ва суд қарорларини мажбурий ижро этиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Кўксарой қароргоҳида оммавий ахборот восита-

лари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши якунлари юзасидан фикрлари билан бўлишди.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон биродар Тожикистоннинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, инвестицияларни жалб қилиш, инфляцияни жиловлаш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш борасида эришяётган юксак натижаларидан чин дилдан мамнун эканини таъкидлади.

Тожикистон Ўзбекистон учун ишончли стратегик шерик ва иттифоқчидир. Мамлакатларимиз мақсадлари, қараш ва интилишлари муштарак экани, икки томонлама муносабатлар сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда жадал ривожланиётгани таъкидланди.

Парламентлар ва ҳукуматлар, ҳудудлар раҳбарлари ва зиёлилар даражасида мунтазам учрашувлар ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб бир миллиард долларга етди. Саноат кооперацияси жадал ривожланмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 500 дан ортққ қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Пойтахтлар ўртасида ҳафтасига ўн та авиарейс амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти бугунги саммитга жиддий тайёргарлик кўрилганини маълум қилди.

Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, ҳудудлар, ректорлар, олимлар, ёшлар, таҳлил марказларининг форумлари, Тожикистон маданияти ва кинеси кунлари, бошқа бир қатор муҳим тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Бўлиб ўтган самарали музокара-лар ҳамда Давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши давомида масалаларнинг кенг доираси муҳокама қилинди, кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва мақсадлари белгилаб олинди.

Барча даражаларда фаол алоқаларни давом эттириш, халқаро ва минтақавий тузилмалар, жумладан, Маслаҳат учрашувлари ва "Марказий Осие плюс" форматлари доирасида мулоқотни мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат ҳукуматлари-га алоҳида дастур асосида товар айирбошлашни икки миллиард долларга етказиш бўйича амалий

чоралар кўриш топширилди.

Шу мақсадда "Ойбек – Фотиҳ-обод" савдо зонасини ташкил этиш тезлаштирилади, энергетика, геология, металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва бошқа соҳаларда икки миллиард долларлик ташаббусларни ўз ичига олган Кооперация дастури амалга оширилади.

Томонлар ушбу лойиҳаларни илгари суриш учун Қўшма инвестиция компаниясининг салоҳиятидан фаол фойдаланишга келишиб олдилар.

Транспорт ва транзит соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Юк ташишда электрон рухсатнома бериш тизимини жорий этиш тўғрисида битим имзоланди, шунингдек, ҳаво ва темир йўл транспорти қатновларини кенгайтириш ҳамда чегара ўтказиш пунктларининг қувватини ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Ушбу ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларнинг асосий мақсади – бизнес ва фуқаролар учун қулай шaroитлар яратиш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш драйвери сифатида ҳудудлар салоҳиятини ишга солиш.

Сув ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик икки мамлакат алоқаларининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

"Яшил" энергетика соҳасида йирик лойиҳаларни биргаликда илгари суриш ҳамда сув тақсими, сув иншоотларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш масалаларини мувофиқлаштиришга тайёрлик тасдиқланди.

Маданий-гуманитар алоқалар халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик кўприги бўлиб қолмоқда. Ҳамкорлик доирасида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги ҳақида фильм тайёрланди. Янги Тошкентдаги кўчалардан бирига эса Душанбе шаҳри номи берилди.

Йиллик тақвим асосида таълим, туризм ва ёшлар йўналишларида фаол алмашинувларни давом эттириш нияти билдирилди.

Икки мамлакатдаги йирик ўзбек ва тожик диаспораларини қўллаб-қувватлаш, маданий марказларни кенг ривожлантириш, она тили, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш мақсадида Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик бўйича комплекс дастур тайёрланди.

Яқунда ушбу тарихий ташриф натижалари иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаб,

биродар мамлакатларимиз барқарор ривожланиши ва равнақиға ҳар томонлама хизмат қилиши қайд этилди.

Тожикистон Республикаси Президентининг давлат ташрифи доирасида ушбу мамлакатнинг Тошкент шаҳридаги элчихонасининг янги биноси очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон рамзий тасмани кесиб, дипломатик ваколатхонанинг янги биносини тантанали равишда очдилар.

Етакчилар элчихона ва консуллик бўлимининг маъмурий бинолари, элчи қароргоҳи, дипломатлар ва уларнинг оила аъзолари учун турар жойларни ўз ичига олган мажмуани кўздан кечирдилар.

Маросим якунида Президентлар Фахрий меҳмонлар китобида қайд этилди, дипломатик ваколатхона худудиға дарахт экилди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон "Ўзбекистон" халқаро форумлар саройида икки мамлакат санъаткорлари иштирокидаги анъанавий концертни биргаликда томоша қилдилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини узоқ ўтмишга бориб тақалдиган муносабатлар, муштарак маънавий ва диний қадриятлар, анъаналар ҳамда бой маданий мерос боғлаб туради.

Ҳар икки мамлакатда ҳам асрлар давомида шаклланиб келган дўстлик, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик анъаналари асраб-авайла-ниб, бойиб бормоқда.

Ушбу маданий тадбир бунинг яққол тасдиғи бўлди. Концерт дастурида биродар халқларимизнинг бетакрор ва бой маданиятини акс эттирувчи миллий мусиқа ва сахна санъатининг энг сара асарлари ижро этилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон санъаткорлари ҳамда ансамблларининг биргаликдаги чиқишлари ўзаро англашув, маънавий яқинлик ва фаол маданий мулоқот рамзи бўлди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

■ Ҳуқуқий маърифат

Медиация

Айтиш кераки, медиациянинг ахамияти суд тизимидаги ортиқча юкларни камай-тириш билан чекланиб қолмайди. Бу институт жамиятда низоларни инсонпарварлик йўли билан конструктив ҳал этиш маданиятини шакллантиради, шахсларни ўзаро мулоқотга, муросага ва ҳуқуқий масъулияга ўргатади. Бу эса, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим ижтимоий-психологик асосини ташкил этади.

Илмий-социологик тадқиқотларда медиациянинг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдаги кучли таъсири алоҳида таъкидланади. Шунингдек, медиация шахсларни мулоқотга, муросага келишга, ҳуқуқ ва мажбуриятларни англашга ўргатиши ҳамда низоларни зўравонликсиз ҳал қилиш маданиятини шакллантириши алоҳида қайд этилади.

Бу жараён жамиятда ҳуқуқий онгни оширади ва

да эса, медиация тижорат соҳасида бир йилда миллиардлард фонт стерлинг иқтисодий самара келтиради. Японияда судга келган ишлардан катта қисми аввал медиация орқали қўрилади.

Энг муҳими, бугунги кунда медиация жараёнлари халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2019 йилда Сингапур Конвенцияси қабул қилинган халқаро медиатив келишувларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Шу негизда медиация глобал ҳуқуқий механизм сифатида эътироф этилди.

Бугунги кунда дунёда Италия, Туркия, Буюк Британия, Сингапур, Хитой ва Америка Қўшма Штатлари медиация институтлар ривожланган давлатлар ҳисобланади.

Масалан, Сингапурда тижорат низоларининг 80 фоиздан ортиги медиация орқали ҳал этилади, Буюк Британия-

чилар харажатлари сезиларли даражада қисқаради.

Тадқиқотларда қайд этилишича, суд тизимиға тушаётган ишлар сонининг 20-30 фоизини медиацияға йўналтириш орқали судлардаги наваб ва кечикишларни бартараф этиш мумкин.

Медиациянинг энг муҳим устунлиги — "win-win" (икки тараф ҳам ютади) моделиға асосланишидир. Яъни судда бир томон ютса, иккинчи томон, албатта, ютқазади. Медиацияда эса, ҳар икки томон ўз манфаатини сақлаб қолиш имкониятиға эға бўлади. Шу сабабли медиатив келишувларнинг қарийб 90 фоизи ихтиёрий равишда ижро этилади.

Халқаро статистик маълумотларға кўра, медиация орқали ҳал этилган ишларнинг 70-85 фоизи муваффақиятли якунланади. Бундай ишлар суд муҳокамасига қараганда ўртача 3-5 баробар тез ҳал этилади, шунингдек, давлат бюджети ва иштирок-



Жамиятимиз мақсади

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси эркин, фаровон, қудратли янги Ўзбекистон йўл харитаси



«Бошланиши 1-бетда»

Жумладан, жиноят иши юритувида ярашув институтидан фойдаланиш имкониятини 20 фоизга ошириш, судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларидан фойдаланиш даражасини 50 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улушини 45 фоизгача, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларни 3 фоизгача ва аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларни ҳам 3 фоизгача камайтириш белгиланди.

Судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низоларни муқобил ҳал этиш улушини 20 фоизга етказиш ва маъмурий судларда ишларнинг келиштириш чоралари орқали ҳал этилиш даражасини 50 фоизга ошириш талаб этилади. Бундан қўзланган мақсад — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантиришдир.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳам олдимизда турган муҳим мақсадлардандир. Бу борада судьялар орасида хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказиш, фуқароларга одил судловга эришишда қулай имкониятлар яратиш мақсадида янги интерактив хизматлар сонини 19 тага етказиш белгиланди.

Ўз навбатида, Президентимиз томонидан жорий йил 16 февралда «Маҳаллани ривожлантириш ва жа-

миятни юксалтириш» йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги Фармон имзоланди.

Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича ўта оғир жиноятларга доир ишларни судда жамоатчилик вакиллари билан иборат халқ вакиллари ҳайъати иштирокида қўриб чиқиш амалиётини жорий этиш, жиноят процессида мажбурият чоралари қўлланиши устидан суд назоратини кучайтириб, тергов судьялари ваколатларини кенгайтириш, коррупция, гиёҳвандлик, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик каби жамият олдида турган долзарб муаммоларга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш каби устувор ислохотларнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Шу асосда йил давомида судлар фаолиятига халқро андозаларга мос янги институтларни жорий этиш орқали одил судлов сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилади. Бунда жиноят ишлари бўйича суд процессларини халқ вакиллари ҳайъати (jury) иштирокида ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиб, жиноят ишларида халқро тан олинган «Хабас корпус» институти доирасида тергов судьяларига қамоққа олиш, уй қамоғи тартибидеги ва бошқа эҳтиёт чораларини ўзгартириш ва бекор қилиш ваколати берилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, суд ишларини юртида ҳимоя институти ҳам изчил такомиллаштирилмоқда. Шу мақсадда жиноят ишини судга юборишда айб-

лов ҳулосаси билан бирга «ҳимоя фикри»ни тақдим этиш тартибини жорий этиш, жиноят ишида ҳимоячига ўз ҳимояси остидаги гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар ҳамда далиллар билан танишиб, ундан нусхалар олиш, суриштирув ва дастлабки тергов давомида исталган вақтда ўз ҳимояси остидаги гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан юртилаётган жиноят ишини кўзга тутиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха олиш ваколатларини бериш бўйича қизгин иш олиб борилмоқда.

Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, қонунчиликдаги коррупциявий омиллари бартараф этиш долзарб вазифалар сирасига кириди. Бу борада қонунчиликда коллизиялар, номувофиқликлар, «ноаник» қоидалар, «оқ доғлар» ва бошқа коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллари бартараф этиш, «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасида давлат хизматчисининг малакасини ошириш амалиётини йўлга қўйиш, очик маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда давлат идоралари фаолияти очиқлигини таъминлаш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашишга хизмат қилувчи дастурий таъминотлар, онлайн платформалар ишлаб чиқиш бўйича танлов ўтказишга қаратилган амалий ишлар аллақачон бошланган.

Бунинг учун, ўз навбатида, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи 2 мингдан зиёд қонунчилик ҳужжати

хатловдан ўтказилмоқда. Натижада ушбу ҳужжатлардаги коллизиялар, номувофиқликлар, «ноаник» қоидалар ва бошқа коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллари бартараф этиш имкони юзага келади.

Бундан ташқари гиёҳвандлик ва нарकोжиноятларга, прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилмоқда. Айни мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан бири, Фармонда белгиланганидек, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ҳисобланади.

Шунингдек, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик каби жамият олдида турган долзарб муаммоларга қарши курашиш бўйича самарали ишлайдиган тизим йўлга қўйилмоқда. Бу борада Президентимиз 2026 йил 3 мартда имзолаган «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйик ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Фармон билан тазйик ва зўравонлик ҳолатларига қарши курашишнинг аниқ янги нормалари белгилаб берилган алоҳида аҳамият касб этди.

Қолаверса, жорий йил бўйича Давлат дастурида мажбурий ижро ҳаракатларининг 30 фоизи инсон омилисиз амалга оширилиши учун зарур ҳуқуқий ва технологик шароитлар яратилиши билан боғлиқ вазифалар белгилаб қўйилгани ҳам жуда муҳим вазифа.

Ҳулоса қилиб айтганда, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажарилиши, шубҳасиз, шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг озуларини рўёбга чиқаришга, халқимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишга, давлатимизнинг жажон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига асос бўлади.

Шундай экан, ҳар биримиз бу борада зиммасиздаги улкан масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, айни эзгу мақсадлар ижобати учун хизмат қилишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантириб, дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилсак, албатта, ўз олдимизга қўйган улкан мақсадларга эришамиз. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда: «Миллий бирлик жуда муҳим. Бирдамлик кучдир!»

Шахзод БАХТИЁРОВ, жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани суди раиси

Қонун қўмағи

Тадбиркорга қарши даъво



суд томонидан рад этилди

«(Бошланиши 1-бетда)»

Албатта, ўтган йиллар мобайнида клиникага 300 минг АҚШ доллари миқдоридида хорижий инвестиция киририлди. Натижада 74 нафар шифокор доимий иш билан таъминланди. Эҳтиёжманд оилалар вакили бўлган беморлар учун 100 га яқин жарроҳлик амалиётлари бепул ўтказиб берилди. Биргина 2025 йил давомида давлат бюджетига 1 миллиард сўмдан ортққ солиқлар тўланди. Аммо...

келган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгиланган муддатда бартараф этмаганда, лицензия бериш тўғрисидаги қарорнинг ноқонунлиги ёки лицензия қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги аниқланганда, лицензия талаблари ҳамда шартлари бир йил давомида икки ва ундан ортққ мартаба бузилганда, лицензия талаблари ҳамда шартларини бир мартаба қўпол равишда бузиш фуқаро-

Амалдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, лицензия талаби ва шартларини бир марта қўпол равишда бузиш лицензияни бекор қилишга сабаб бўлади.

Аммо барчанинг кўнглини бирдек олиш қийин. Шу маънода айтганда, фуқаро М.Ҳисомиддинова ўзига кўрсатилган хизматдан кўнгли тўлмай, юқори идорага мурожаат қилади. Оқибатда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг тегишли бўйруғи асосида 2025 йилнинг 11-20 ноябрь кунлари «MEDICAL CENTER CHINOR» масъулияти чекланган жамиятда текшириш бундай ҳолат аниқланмаган. Қолаверса, текшириш ўтказишга асос бўлган аризада М.Ҳисомиддинованинг ҳам ҳаёти ва соғлиғига зиён етмаган. Иш ҳужжатларида унинг «MEDICAL CENTER

Мамлакатимизда аёлларнинг қадрини улуғлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таъминлаш борасида кенг қўлламчи чора-тадбирлар қатъият билан амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Аёллар ва болалар ҳуқуқлари, оила манфаатларини муҳофаза қилиш юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг негизи, десак, янглишмаймиз.

Айтиш керакки, рўёбини топаётган чора-тадбирлар самарали натижаларга етаклаётгани, маънавий-маиший ва ахлоқий муҳит яхшиланаётгани, хотин-қизларнинг из-

Жиноятга жазо муқаррар

АЁЛ ҚАДРИ

АДОЛАТЛИ ҚОНУН БИЛАН МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ

зат-ҳурмати кафолаётгани, қонун билан қўриқланаётгани — жамиятда кечаётган ижобий ҳолатларнинг яна бир ибратли намунаси. Бу жараёнда оилавий (маиший) зўравонликка оид қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар муттасил такомиллаштири-

либ борилаётгани янада эътиборлидир.

Шу ўринда оилавий зўравонлик, шахвоний шилқимлик хавфи ижтимоий иллат эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, оилавий зўравонликка доир ноҳўя қилмишлар боис

оилавий муносабатлар издан чиқади, ижтимоий барқарорликка путур етади. Оила тинч бўлса, маҳалла ҳам тинч бўлади, маҳаллалар тинчлиги эса — бутун юртининг тинчлиги, осойишталиги, баҳамжиҳатлиги гарови.

«Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ана шу эзгу мақсадни амалда таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий асоси саналади.

(Давоми 4-бетда) ▶

ИНСТИТУТИ:

суд тизимидаги юкломани камайтириш ва ҳуқуқий маданиятни оширишдаги ўрни ҳамда аҳамияти

— ижтимоий аҳамиятга эга ишларда бепул (про боно) медиация;

— медиатив келишувлар ижросини тизимли мониторинг қилишни назарда тутади.

Тошкент шаҳрида 2023 — 2025 йилларда иқтисодий ишлар бўйича жами 3214 та медиация келишувига эришилган. Бу рақам, ўз навбатида, медиациянинг раванқ топаётгани ва самарадорлиги ошаётганини кўрсатади.

Медиация жараёни, одатда, 60 кундан ошмайди. Кўп ҳолларда эса, бир неча кун ёки муайян соатлар ичида яқунланади.

Шу маънода, медиация институтининг истиқболларига доир қуйидаги 5 та амалий тақлифимизни билдиришни лозим топдик:

биринчидан, қонунчилик-

да судлар томонидан муайян тоифадаги ишларни қўриб чиқишда медиация тартиб-таомилни қўллашнинг мажбурийлигини жорий қилиш;

иккинчидан, вазирлик ва идораларда, шунингдек, судларда медиация хоналарини ташкил қилиш;

учинчидан, Италия ва Буюк Британия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, апелляция ва кассация босқичларида ишларни фақат ҳуқуқий баҳс нуқтаи назаридан эмас, балки тарафларни яраштириш имконияти нуқтаи назаридан ҳам қўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш, хусусан, апелляция инстанциясида медиатив тартиб-таомилни мажбурий тақлиф қилиш (mandatory mediation offer), кассация босқичида эса, тарафлар розилиги асо-



сида ихтиёрий медиацияни қўллаш суд юкломасини камайтириш ва ишларни тезроқ ҳал этиш имконини беради;

тўртинчидан, тарафларни судда «ютқазиш-ютиш» моделига кўра, «келишувга келиш» моделини рағбатлантириш мақсадида апелляция ва кассация босқичларида медиатив келишувга эришилган тақдирда, давлат божи (суд йўғими)нинг бир қисмини қайтариш, иш юртишни тугатиш процессуал ҳаққатдан соддалаштириш ҳамда медиатив келишувни ижро варақасига тенг ҳужжат сифатида тан олиш механизмларини кенгайтириш;

бешинчидан, Сингапур ва Хитойда онлайн медиация орқали ҳал қилинган ишларнинг 60-70 фоизи муваф-

фақиятли яқунланганлигини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда «Рақамли суд» концепцияси доирасида онлайн медиация платформасини ишлаб чиқиш ва уни:

• апелляция шикоятлари қабул қилиниши билан автоматик равишда тақлиф этиладиган босқич сифатида жорий қилиш;

• видеоконференция орқали медиатив учрашувларни ўтказиш;

• электрон медиатив келишувларни суд томонидан тезкор тасдиқлаш механизмини жорий этиш.

Ҳулоса ўрнида шуну таъкидлаш жоизки, медиация институти янги Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида муҳим ўрин эгалламоқда ҳамда келажакда медиацияни кенг тарғиб қилиш ва қўллаш орқали суд тизимида юкломни камайтирилади, давлат харажатлари қисқартирилади, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалади ҳамда жамиятда тинчлик ва ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланади.

Келусида онлайн медиация, мактаб ва оилавий медиация, давлат органлари иштирокидаги медиация механизмларини ривожлантириш орқали медиация институти ҳуқуқий адолатни таъминлаш ва жамиятда муроса маданиятини шакллантиришда стратегик аҳамият касб этади.

Иброҳим АЛИМОВ, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари — Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси



лар аниқланади. Хусусан, ассистент врач (пластик хирург) М.Нарзиеванинг хирургия ихтисослиги бўйича, ҳамшира З.Эргашева ҳамда Д.Буртешоваларнинг камда биринчи малака тоифага эга эмаслиги лицензия талаб ва шартларини қўпол равишда бузиш, деб топилди. Натижада Соғлиқни сақлаш вазирлиги «MEDICAL CENTER CHINOR» масъулияти чекланган жамиятга берилган лицензияни бекор қилишни сўраб, Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритди.

Айтиш керакки, амалдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, лицензия талаби ва шартларини бир марта қўпол равишда бузиш лицензияни бекор қилишга асос бўлади. Шунингдек, қонунда суд айнан қайси ҳолларда лицензияни бекор қилиши ҳам белгиланган.

Жумладан, лицензия эгаси ҳужжатнинг амал қилиши тўхтаб турилишига олиб

CHINOR» масъулияти чекланган жамиятга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида тилхати мавжуд. Ана шу асосларга таянган суд даъвоси рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Президентимиз 2025 йил 10 ноябрь куни тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан бўлган учрашувда тиббий хизматларнинг 30 фоизи хусусий сектор томонидан кўрсатилаётгани, илғор ташаббуслар ҳам улардан чиқаётгани қувонарли ҳол эканини таъкидлади.

Бундан ташқари давлатимиз раҳбари томонидан судлар зиммасига тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш долзарб вазифалардан бири сифатида юкланган. Зеро, республикамиз тараққиётини тадбиркорлик фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Муҳиддин СУЛТОНОВ, Тошкент туманлараро иқтисодий суди раиси ўринбосари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аммо фақат дадам, ойимгилар билан гаплашардилар. Бошқалар билан гаплашиш кутилмаганда яна қандай фожиалар олиб келишини билардилар.

Дадамнинг ҳам қулоқ қилиб юборишларига оз қолган экан. Амакиларимни, шу жумладан, дадамнинг ҳам Новкатда ерлари бўлган. Дадам ўз ерларида иморат курмоқчи бўлибдилар. Томини ёпишаётганда кимдир ҳукумат қарори чиққан газетани кўтариб келиб қолибди. Дадам ўқиб қарасалар, қарор ошқича ер, ошқича иморатларни тортиб олиш ҳақида экан. Шундай томдан тушибдилару, усталарга жавоб бериб юборибдилар. Қоронғи тушганда аравани қўшиб, бор юкни ортиб, устига бизни ўтқазибдилар-да, Тошкентга йўл олибдилар. Эртасига ёлғиз ўзларни қишлоқ советига бориб, иморатни ҳам, ерни ҳам ҳукуматга топшириш ҳақида ариза бериб келибдилар.

Шундай қилиб, қулоқ бўлиш хавфидан қутулиб қолган эканлар.

Сен мен туғилган, опанг билан тўйимиз ўтган ҳовлини билмайсан. Катта эди, деб айтдим. Мевали дараклар ҳам кўп эди. Икки туп ўрик бор эди, турли хил узум, аммо узумга кўпинча касал тегар эди, камдан-кам тўйиб ердик. Аммо ҳовлимизнинг ўртасидаги нокнинг таърифи бутун маҳаллага кетган эди. Ғалати нок эди бу нок. Ҳовлининг яримдан кўпига ёз кунлари соя ташлаб, ҳаммаёқни салқин қилиб турарди. Тагида катта қўш қанотли тахта сўри қўйиб қўйилган, келган-кетганлар кўпинча ичкари уйлاردан кўра шу ерни афзал кўрадилар. Бундан ташқари баланд тоқнинг остида чорси, кенг супа ҳам бор эди. Унинг ёнидан ариқ ўтган, доим ундан сув оқиб турар, атрофда атиргуллар, гулсафсарлар очилиб ётарди. Нок бирдан етилиб, бирдан пишарди-да, пақ-пақ тўкиларди. Бир ҳафта ичида териб, қоқиб олинмас, ҳовлида юриб бўлмасди. Энди пишадиган маҳали қариндош-уруғларни нок егани чакрардики, келолмаганларга эса мен, опам, акам челақ-челақ таширдик, баъзан бозорга сотгани ҳам олиб чиқардик. Кўшни болалар эса ҳар кун бизниқанда бўлишарди. Шу нок ҳовлимиз 1961 йили бузилгунча турди, ҳосилдан қолмади. Уни кешисаётганда ойинг, бувинг йиғлаб юбордилар. Улар учун танаси қулочга сигмайдиган, ҳов-



лимизнинг кўрки бўлган шу нок дадамлардан эсдалик эди.

Сенга акамни эслатиб кетдим. Ҳа, менинг туғишган акам бўлган. У мендан ўн ёш катта эди. Агар ҳаёт бўлганда ҳозир олтимиш тўққиз ёшга кирарди...

Иккинчи жаҳон урушидан бир йил аввал у ўрта мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан битириб, медицина институтига кирган эди. Ўқишга улгурмади. Хужжатларини топшириб келди, холос. Ушанда август эди. Ҳали-ҳали эсимда.

Оқшом. Дадам, унинг ўртоғи Ғулом ака деган одам, мен супада тарвуз еб ўтирибмиз. Акам уйдан кийиниб чиқди.

— Анварбек! Тарвуз емайсанми, ўғлим? — сўрадилар дадам.

— Кейин! — деди акам ва кўча томон йўл олди.

— Кеч қолиб кетма, қоронғу тушиб қолди! — қичқирдилар орқасидан дадам.

Акам эшитди.
— Дарров келаман. Топшўлатларниқига ўтаман-у, қайтаман! — деди у ва эшик орқасида ғойиб бўлди.

Ойим молхонада сигир-бузоқларга овқат бериб юрган эдилар. Акамнинг кетганларини кўрмай қолдилар.

Кўп ўтмай, дастурхонга фотиҳа ўқиб, дадам ҳам ўртоқлари билан ўринларидан турдилар.

— Ойингга айтаиб қўй, Ғулом акамни кузатиб қайтаман, — дедилар менга.

— Хўп, дедим.
Ораддан кўп вақт ўтмади. Ярим со-

ат-қирқ минутча ўтган бўлса, бордир. Бирдан кўча эшик занжирини кимдир зарб билан қоқа бошлади. Кейин бунга ҳам чидамай, овози борича чақирди:

— Раҳимбек! Рихсиниса!

Мен ўриндан тургунимча молхонадан чиқаётган ойим нимандир сезиб, эшикка юрдилар.

— Болам! Болажоним! Анвар!!! — эшикда у кишининг дод солиб юборганларини эшитдим.

Югуриб бордим. Эшикни тақиллатган аёл — Ғайрат акамнинг бувиеси мени кўриб, қўлимдан ушлади.

— Ҳеч қаёққа борма! Уйда ўтир! Акамни трамвай босиб кетди! — деди у йиғламсираб.

Мен ханг-манг бўлиб қолдим. Кўзларимга ёш келмади. Нима бўлганини мен ҳали тушуниб етмаган, фожиа ҳали менга ўз таъсирини кўрсатмаган эди. Ушанда мен энди олти ёшга тўлган эдим.

Анвар акамнинг қандай ҳалок бўлганини эртаси кун билдим. Ўртоғиникига кетаётиб, у Шота Руставели кўчасидан трамвай йўлини кесиб ўтмоқчи бўлган. Орқасидан трамвай келаётганини билганми-билмаганими, ҳеч ким айтолмайдди, трамвай билан йўл ўртасидаги икки томони темир қопланган устун орасида қолиб, қаёққа қочишни билмаган бўлса керак, трамвай уриб юборганда устунга боши билан тегиб йиқилган ва трамвай остига кириб кетган.

Уни эрталаб ғира-ширада ТошМидан олиб келишди. Касалхонада жон

берибди. Пешинда чиқарилди.

Анвар акам ўн етти ёшида ҳалок бўлди. У шўх, ақлли, камгап, аммо жуда қувноқ йиғит эди. Аччиқ гармдорини яхши кўрарди. Бутунлигича ерди. Унинг тенгқур ўртоқлари ҳозир ҳам юришибди. Умрлари узоқ бўлсин. Ҳаммалари акам ҳақида жуда яхши гапиришади. Тоҳир ака деган одам, биздан икки кўча нарида туради, акам билан бирга ўқиган. Кўришиб қолганимизда гапимиз албатта, акамга бориб тақалади. Акам жуда яхши ўқиган эди. Мактабни битиргандаги етуқлик аттестатини кўрганман. Ҳамма фанлардан баҳолари беш эди, фақат интизомдан тўрт кўйишган эди. Мактабда ҳам у кўп шўхлик қилган бўлса керак.

Дадам акамнинг ўлимини кўтаролмади. Соғлом, полвон, бир юз ўттиз килограмм келадиган одам касалга чалиниб қолди. Акам фожиасидан сўнг мен дадамнинг деярли қулганини, ҳазил-хузул гаплар, латифа, аскияларни яхши кўрадиган одам бирон марта ҳазил қилганини билмайман. Кечалари кўпинча у ухламай, ҳовлида юриб чиқадиган бўлиб қолди. У бутун меҳрини менга, иккита синглим ва укамга қаратди. Биз билан ўзича овуномоқчи бўлди. Аммо биз ёш эдик. Унга оғир кунларда, бошига ҳам маънавий, ҳам моддий қийинчиликлар тушганда кўмакчи бўлолмадик. У бизни етилиб, мустақил бўлиб, уйга қараш, оила тебратишга қўрбимиз келадиغان пайтимизни кўролмай оламдан ўтди. Акамнинг фожиали ўлими туфайли чалинган касалидан ҳалос бўлолмади. Уни олтимиш олти ёшда, деб кўтаришди. Лекин Ҳакимбек амаким уч ёш кичиклигини, паспорти нотўғрилигини айтди. Барибир, дадам ҳали кўп яшашлари мумкин эди.

Умида, қизим, сенинг буванг, менинг дадам Раҳимбек Умарбеков 1956 йили 22 декабрда, пайшанба кун кечкурун оламдан ўтди.

Ойим, сингилларим, амакиваччам Музроб айвонимиздаги танча атрофида ўтирарди. Кетма-кет катта хонага кириб, бетоб дадамлардан хабар оларди. Мен кирганимда дадам кўзлари очик, анчагина энгил нафас олиб, шифтга қараб ётардилар. Мени кўрдилар, назаримда, кўзлари билан жилмайган бўлдилар.

(Давоми келгуси сонда)

◀ (Бошланиши 3-бетда)

“Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 11 апрелда қабул қилинган қонун билан миллий қонунчилигимизга оилавий (маиший) зўравонлик ва шахвоний шилқимлик тушунчалари киритилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59², Жиноят кодексининг 126¹-моддаларидан оилавий (маиший) зўравонлик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41¹-моддаси 1-қисмида эса, шахвоний шилқимлик оид жавабгарлик нормалари ўз ифодасини топди.

Ҳаётда ўз-ўзини идора эта олмаглигини оқибати ҳеч қачон яхшиликка етакламаслиги аллақачон исботини топган. Бу ҳолатни 1981 йил Урганчда туғилган Ҳамро Зокирова (исм-шарифлар ўзгартирилган) нисбатан чиқарилган ҳукм билан ҳам кўриш мумкин. Аниқланишича, Ҳ.Зокиров 45 йиллик умрининг қаттагина қисмини машум қилмишлар домида ўтказган. Буёғини сўрасангиз, ҳали вояга етмай туриб, ҳийла ва макр, нафс ва фирийб йўлига кирган. Шу аснода 2003 йилдаёқ дастлабки жиноий қилмишни содир этган ва навқирон 22 ёшида Жино-

Жиноятга жазо муқаррар

АЁЛ ҚАДРИ

АДОЛАТЛИ ҚОНУН БИЛАН МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ

ят кодексининг фирибгарликка оид 168-моддаси 2-қисми бўйича 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Таассуфки, бу жазодан сўнг ҳам унинг сўқир кўзлари очилмади. 2005 йили гарданида судланганлик ҳолати мавжуд бўла туриб, янада оғир ва асоратли қилмиш —

қотилликка қўл урди. Шу боис Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисмига асосан, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Бироқ қонуннинг қарамни кенг, мурувати бисёр. Аини шу вақдан унинг гарданига юклатилган озодликдан мосуво этиш жазоси 2010 йил октябрь ойида ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди. Қанинди, у ўз қилмишларининг оқибатини ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлса-да, англаб етса, қонун муруватидан тегишли хулоса чиқарса. Йўқ, у бу гал ҳам тўғри йўлдан оғди. Натижада унга нисбатан атиҳи бир ярим йил муқаддам қўлланилган ахлоқ тузатиш ишлари чораси яна озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди. Аммо наватдаги жиноий қилмиш ҳам ўзини кўп куттирмади. 2016 йили Жиноят кодексининг бир йўла иккита: 112-моддаси 1, 277-моддаси 3-қисми-

га кўра, 3 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. ...2025 йил. Январь ойи. Урганч шаҳар ички ишлар бўлимида тагин машум жиноий ҳодиса қайд қилинди. Шаҳарнинг Алишер Навоий кўчасида яшовчи Наргиза Раҳимова аёвсиз калтаклангани, тан жароҳати олгани, бу

Қ.Зокиров суд мажлисида айбига қисман иқдорлик билдирди. Хотини уйда бегона эркак билан телефонда сўзлашаётганини кўриб, рашиқ кўзигани ва ўзини босолмай қўл кўтарганини тан олди. Жабранувчи Н.Раҳимовани айтадики, Ҳ.Зокиров билан бирга яшай бошлагач, у кўп ўтмаёқ таҳдид ва тазийк йўлига ўтган, пул талаб қилиб, номига кредит маблағини ҳам расмийлаштирган, арзимаган баҳоналар билан жанжал чиқарган, ҳатто уйдан ҳам ҳайдаб солган. Юзага келган низо, уқтирилгандек, Н.Раҳимованинг қаттиқ дўппосланиши ҳамда 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиги бузилиши билан яқун топган. Бошқача айтганда, Жиноят кодексининг оилавий (маиший) зўравонликка оид 126¹-моддаси 3-қисмида ифодасини топан ноҳўй қилмиш содир бўлган. Хотинига (эрига), собиқ хотини (собиқ эри), бир рўзгор асосида бир-галликда яшаётган ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашуви ёхуд умумий меҳнат қобилиятини вақтинча йўқолишига сабаб бўлган бу сингари қасддан баданга енгил шикаст ҳоллари учун қонуний жавобгарлик чораси назарда тутилган. Аини пайтда суд жазони қилмишнинг оғир ёки энгиллиги, энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга қараб белгилаш қолдасига эътибор қаратди. Айбланувчи шахс бир нечта сурункали хасталикка чалинган, оилавий аҳволини — жазони энгиллаштирувчи,

шунингдек, оғир жиноий қилмишларга муқаддам ҳам қўл ургани, сўнгги жиноий қилмишни ҳам қасддан амалга оширганни оғирлаштирувчи ҳолат деб топди. Шунингдек, судланувчи Ҳ.Зокировни жабранувчи кечирмагани, аввалги қилмишларидан хулоса чиқармагани, яшаш жойидан салбий тавсифланганини инобатга олди. Биласиз, бундай ҳолатда айбланувчини жамаиятдан ажратмай туриб, қайта тарбиялашнинг имкони йўқ. Суд ана шуларни назарда тутган ҳолда Ҳ.Зокировни Жиноят кодексининг 126¹-моддаси 3-қисмига биноан, 1 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилди. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

...Юртимизда аёлнинг қадри баланд, шаъни дахлсиз ва адолатли қонун билан қўриқланади, бундай ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва моддий ҳимояни давлатнинг ўзи кафолатлайди. Аёли, оиласини ардоқлаб, бошига кўтарган, шу аснода хонадони бахт-тахтини яратган хонадон соҳиблари юртимизда кўп.

Зотан, аёлни асраб-авайлаш, унинг ҳурматини жойига қўйиш, шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигини таъминлаш оилага, фарзандлар келажига юксак масъулият ва жавобгарлик билан қараш экани ҳеч қачон унутмаслик керак.

Муродбек ҲАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Урганч шаҳар суди раиси,
Абдулла СОБИРОВ,
“Куч — адолатда” мухбири

Мулоқот

Савол беринг,
жавоб берамиз

— *Айтинг-чи, мавсумий ишда ишлайдиган ходимлар ҳам меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эгами?*

Т. ЧЎЛЛИЕВ,
Хоразм вилояти

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, мавсумий ишда ишлайдиган ходимлар ҳам меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга. Жумладан, амалдаги Меҳнат кодексининг 493-моддасига асосан, мавсумий ходимлар ишнинг ҳар бир ойи учун камида икки календарь кун ҳисобидан ҳақ тўланадиган меҳнат таътили ҳуқуқига эга. Агар мавсумий ходим тўлиқ мавсум ишлаган бўлса, унга кейинчалик меҳнат шартномасини бекор қилган ҳолда ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади. Бу ҳолда таътилни охириги кун меҳнат

шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳақ тўланадиган меҳнат таътили ўрнига мавсумий ходимга, унинг хоҳишига кўра, пулли компенсация ҳам тўланиши мумкин.

Агар мавсумий ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мавсум тугагунга қадар муддатидан олдин бекор қилинса, меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида унга фойдаланилмаган меҳнат таътили учун ишлаб берилган вақтга мутаносиб равишда компенсация тўланади.

— *Айтинг-чи, ташкилот қайта ташкил этилаётганда ҳомиладор аёлни ишдан бўшатилганга йўл қўйиладими?*

Ҳ. НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти



— Йўқ, бундай вазиятда ҳомиладор аёлни ишдан бўшатилганга йўл қўйилмайди. Хусусан, Меҳнат кодексининг 408-моддасига асосан, ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш бериувчининг ташаббусига кўра, бекор қилишга йўл қўйилмайди, бундан ташкилот (унинг алоҳида бўлими) тугатилган ёки яққа тартибдаги тадбиркорнинг иш фаолияти тугатилган ҳоллар мустасно.

Аёлнинг ҳомиладорлиги даврида муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугаган тақдирда, иш бериувчи аёлнинг ёзма аризасига биноан ва ҳомиладорлик ҳолатини тасдиқловчи тиббий маълумотнома тақдим этилган тақдирда, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини ҳомиладорлик тугагунига қадар, унга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган тақдирда эса, бундай таътилни охирига қадар узайтириши шарт. Меҳнат шартномаси ҳомиладорликнинг охирига қадар узайтирилган аёл, иш бериувчининг сўровига биноан, уч ойда кўпи билан бир марта ҳомиладорлик ҳолатини тасдиқловчи тиббий маълумотнома тақ-

дим этиши шарт. Агар бунда аёл ҳомиладорлик тугаганидан кейин ҳақиқатда ишлашни давом эттирса, иш бериувчи ҳомиладорликнинг фактини билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан бир ҳафта ичида меҳнат шартномасини унинг муддати тугаганлиги сабабли бекор қилишга ҳақли.

Аёл билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати тугаганлиги муносабати билан ушбу шартномани унинг ҳомиладорлиги даврида бекор қилишга, агар меҳнат шартномаси йўқ бўлган ходимнинг мажбуриятларини бажариш вақтига тузилган бўлса ва ҳомиладорлик тугагунига қадар аёлни иш бериувчидан унинг соғлиги ҳолати инобатга олинган ҳолда, бажара оладиган бошқа ишга аёлнинг ёзма розилиги билан ўтказиш мумкин бўлмаса, йўл қўйилади.

Ҳомиладор аёл билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда аёлнинг Меҳнат кодексининг 404-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган давр учун ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Саволларга фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой туманлараро суди судьяси Сунбула УМАРОВА жавоб бери.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллар: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яққа тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-315 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6540
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20³⁰. Топширилди: 23⁴⁰.